2(51) 2014

XORIJIY FILOLOGIYA

Til • Adabiyot • Ta'lim

FOREIGN PHILOLOGY

Language • Literature • Education

O'zbekiston Respublikasi
Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi
SAMARQAND DAVLAT CHET TILLAR INSTITUTI

XORIJIY FILOLOGIYA

til • adabiyot • ta'lim

ilmiy-uslubiy jurnal

Samarqand

2 (51)/ 2014

Ministry of Higher and Secondary Special Education
of the Republic of Uzbekistan
SAMARKAND STATE INSTITUTE OF FOREIGN LANGUAGES

FOREIGN PHILOLOGY

Language • Literature • Education

Scientific-methodology journal

Samarkand

Хорижий филология: тил, адабиёт, таълим. №2 (51), 2014.
Уч ойда бир марта чиқадиган илмий-услубий журнал

Муассис: *Самарқанд давлат чет тиллар институти*

Бош мухаррир: *Ғаниев РАҲИМОВ*
Масъул котиб: *Абдували ЭШКОБИЛОВ*

Таҳрир ҳайъати:
АБДУЛЛАЕВА Людмила
БУШУЙ Анатолий
БУШУЙ Татьяна
ЖАББОРОВ Салим
МАҲМУДОВА Муяссар
МИРЗАЕВ Ибодулло
ТУРНИЁЗОВ Неъмат
(муҳаррир ўринбосари)
УСМОНОВ Ўрол
ХОЛБЕКОВ Муҳаммаджон
КАМБАРОВ Носир

Жамоатчилик кенгаши:
ВОЛЬФ Аннет (Германия)
ГИЙОМ Оливье (Франция)
ЯСУО Кочучи (Япония)
БОКИЕВА Гуландом
МАКНАЛТИ Стив (Британия)
ҚЎЛМАМАТОВ Дўстмамат
АШУРОВА Дилором
ИРИСКУЛОВ Аббос
РАҲИМОВ Сотиболди
РИЗАЕВ Баҳодир

Журнал Олий Аттестация комиссиясининг филология фанлари бўйича эксперт кенгаши (2014 йил 10 мартдаги 2-сонли баённома) тавсияси билан зарурий нашрлар рўйхатига киритилган.

Таҳририят манзили:
Самарқанд ш., Бустонсарой кўчаси 93, СамДЧТИ.
Телефонлар: (998-662) 233-78-43.
Факс: (998-662) 210-00-18.
Email: ssifl_info@mail.ru

Журнал Самарқанд вилоят матбуот ва ахборот бошқармаси томонидан № 09-12 рақам билан рўйхатга олинган.
ISSN: 2181-743X
Журнал 2001 йилдан чика бошлаган.

© Самарқанд давлат чет тиллар институти, 2014 йил.

Foreign Philology: Language, Literature, Education.
№2 (51), 2014.
Scientific-methodical journal

Founder: *Samarkand State Institute of Foreign Languages*

Editor-in-Chief: *RAKHIMOV Ganisher*
Executive Secretary: *Abduvali ESHKOBILOV*

Editorial Board:
ABDULLAEVA Lyudmila
BUSHUY Anatoliy
BUSHUY Tatyana
JABBOROV Salim
MAHMUDOVA Muyassar
MIRZAYEV Ibodullo
TURNIYOZOV Nemat
(vice editor)
USMONOV Ural
KHOLBEKOV Mukhammadjon
KAMBAROV Nosir

Public Council:
WOLFF Annett (Germany)
GUILLAUME Olivier (France)
JASUO Kochuchi (Japan)
Boqiyeva Gulondom
MCNULTY STEVE (Britain)
KULMAMATOV Dustmamat
ASHUROVA Dilorom
IRISKULOV Abbos
RAKHIMOV Sotiboldi
RIZAYEV Bakhodir

The journal is included into the of required publications according to the recommendation of the expert council in filological sciences of Higher Attestation Committee (Proceeding #2 from March 10, 2014).

Address of Editorial Office:
Samarkand, Bustansaray str. 93, SamSIFL.
Phone: (998-662) 233-78-43
Fax: (998-662) 210-00-18
Email: ssifl_info@mail.ru

The journal was registered with No 09-12 by Samarkand Regional Department of press and information. The journal has been published since 2001.
ISSN: 2181-743X

© Samarkand State, 2014 Institute of Foreign Languages.

МЕТОДИКА

Сайёра Тағаева. НЕМИС ТИЛИ ДАРСЛИКЛАРИДА ПАРОНОМИЗИЯЛАР ВА УЛАРНИНГ ЛИНГВО МЕТОДИК АҲАМИЯТИ ҲАҚИДА 88

Лутфиллаев Махмуд, Рўзикулов Фазлиддин, Лутфиллаева Ф. ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ЧЕТ ТИЛЛАРИ ПРЕДМЕТЛАРИДАН АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА ВИРТУАЛ РЕСУРСЛАР ЯРАТИШ ВА ЎҚУВ ЖАРАЁНИГА ЖОРИЙ ЭТИШ(инглиз тили предметлари мисолида) 90

МИЛЛИЙ МЕРОС

Тохиров Собир. АЛИШЕР НАВОИЙ ВА АБДИБЕК ШЕРОЗИЙ 93

Пирманова Гавхар. СТУДЕНТАМ – О ВОСПРИЯТИИ ПРОИЗВЕДЕНИЙ ИЗ ХУДОЖЕСТВЕННОГО НАСЛЕДИЯ АНГЛИИ 64

МАГИСТРЛАР МИНБАРИ

Бахриев Сардор. НЕМИС ТИЛИДАГИ ПРЕДЛОГ ЁРДАМЧИ СЎЗ ТУРКУМИ, (DATIV ВА AKKUSATIV КЕЛИШИГИ МИСОЛИДА) 97

Эргашева Зиёда. МАТН ШАКЛЛАНИШИ ҲУСУСИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР 99

Ходжанова Фарангиз. К ВОПРОСУ О НЕКОТОРЫХ РЕФЛЕКСАХ ПОСТМОДЕРНИЗМА 103

Буматова Аидахон. ЎЗБЕК АДАБИЁТИ НАСРИЙ АСАРЛАРИ ТАРЖИМА ЖАРАЁНИ МАСАЛАЛАРИ 105

Жабборзода Дамир. СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ НАЦИОНАЛЬНО-КУЛЬТУРНОЙ СПЕЦИФИКИ ПОСЛОВИЦ И ПОГОВОРОК АНГЛИЙСКОГО И РУССКОГО ЯЗЫКОВ 110

Ахмедова Дилшода. ГАП КОМПОНЕНТЛАРИНИНГ СИНТАГМАТИК МУНОСАБАТИ ХУСУСИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР (инглиз ва ўзбек тиллари материали асосида) 114

Насирова Дилафруз. ТИПЫ ПЕРЕНОСНЫХ ЗНАЧЕНИЙ НАИМЕНОВАНИЙ ВЕЩЕСТВ И ПРЕДМЕТОВ ЕСТЕСТВЕННОГО ПРОИСХОЖДЕНИЯ (на материале английского и русского языков) 116

Отаярова Дилшода. ФУНКЦИОНАЛЬНЫЙ АНАЛИЗ СУБСТАНЦИАЛЬНЫХ ДВУХЪЯДЕРНЫХ БЕЗГЛАГОЛЬНЫХ ПРЕДЛОЖЕНИЙ АНГЛИЙСКОГО ЯЗЫКА 119

ТАЛАБАЛАР МИНБАРИ

Тўхтамишев Абдурасул. ХИТОЙ ТИЛИДА 的 [де], 得[де], 地 [де] ҚЎШИМЧАЛАРИНИНГ ТАСНИФИ ВА ИШЛАТИЛИШ ЎРНИ 124

Козоков Туронбек. НЕМИС ТИЛИДАГИ АЙРИМ СЎЗЛАРНИНГ ЭТИМОЛОГИЯСИГА ДОИР МУЛОҲАЗАЛАР 127

ХОТИРА

Мираббос Ирискулов, Абдимурод МАМАТОВ, Муҳаммаджон ХОЛБЕКОВ, Дўсмамат ҚУЛМАМАТОВ. МОҲИР ПЕДАГОГ, ТАНИҚЛИ ТИЛШУНОС ВА ТАРЖИМАШУНОС ОЛИМ (ПРОФЕССОР АБДУЗУҲУР АБДУАЗИЗОВ ХОТИРАСИГА) 129

(атрофида, теварагида) ўринни билдиради:

Wir machen einen Spaziergang *um den See*.

(-да) пайтни билдиради:

Peter steht jeden Morgen *um sechs* Uhr auf.

gegen

(карши) каршилик маъносини билдиради:

Die Arbeiter protestieren *gegen den Abbau von Arbeitsplätzen*.

(-га, томон) йўналиш маъносини билдиради:

Das Kind schleuderte den Stein *gegen* den Hund

(-га якин, -ларда, -тача) тахмин, чама маъноларини билдиради:

Gegen Mittagessen kam meinen Onkel ins Dorf.

(билан) спортда ракиб маъносини билдиради:

Im Sonntag spielt unsere Fußballmanschaft „Bunjodkor" *gegen* „Denamo"

bis -гача

Ich muss die Bewerbung *bis nächsten Montag* abschicken.

entlang - бўйлаб, ёқалаб

Meiner kleine Tante kommt zu uns den See *entlang*.

Замоновий немис тили грамматикасида ёрдамчи сўз туркуми ҳисобланган предлоглар, уларни гапда бажарадиган функцияси, гапларни *бир-бири* билан мантикан боғлаш *масаласи* бугунги немис ва ўзбек олимлари олдида турган долзарб масалалардандир.

Ўзбек тилида предлоглар ўрнида асосан кўмакчилар қўлланилади. Шу сабабдан немис тилидаги предлогли конструксиялар ўзбек тилига кўмакчи сўзлар ёрдамида берилади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Т.З.Мирсоатов. "Deutsche Grammatik" Т. 1987, 243-б.
2. М.Г. Арсеньева "Грамматика немецкого языка" М. 1963, 195-б.
3. Вольтер Юнг "Грамматика немецкого языка" С-Петербург.1996, 365-б.
4. S.Saidow "Deutsche Grammatik in Übungen" T. 2003, 278-b.
5. G.Zifonun, C.Hoffmann" Grammatik der deutschen Sprache" Band-3, Berlin 1997, 2073-b.
6. Duden " Die Grammatik" Band-4, Berlin. 1995, 375-b.

Бахриев Сардор. Предлоги в немецком языке (на примере падежов датив и аккузатив). Статья рассматривает предлоги, которые составляют большую часть немецкой грамматики. В нем автор отводить главное место значению предлогов в предложениях.

Bakhriev Sardor. Prepositions in the German language (as an example of dativ and akkusativ cases). This article is about the prepositions which constitute a large part of German grammar. The author mainly pays attention to the meaning of prepositions in the sentences.

МАТН ШАКЛЛАНИШИ ХУСУСИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР

Эргашева Зиёда

Самарқанд давлат чет тиллар институти магистранти

Таянч сўзлар: *матн деривацияси, операнд, дихатомия, микроматн, макроматн, тил ва нутқ, дискурс, катта синтаксис, кичик синтаксис, мураккаб синтактик қурилма, фрейм, оператор, ҳосила*

Матн лингвистикаси масаласи кейинги йилларда жаҳон тилшунослигида устувор аҳамият касб эта бошлади. Бунинг асосий сабаби нутқ лингвистикаси илмий асосланганлиги билан узвий боғланади. Тил лингвистикаси ва нутқ лингвистикасининг тилшуносликнинг икки қиррасини ташкил этиши ҳақида дастлаб Ф.де Соссюр

маълумот берган эди. У бу хақда қуйидагиларни алохида таъкидлаганини эслатиб ўтишни жоиз топдик: "...тилшуносликнинг камрови ғоят каттадир. Аникроғи, у икки кисмдан ташкил топади. Биринчи қисм тилга якин бўлиб, у пассив захирани, иккинчи қисм эса нуткқа якин бўлиб фаол кучни тақозо этади" [1,206].

Бирок шундай бўлса–да, Соссюр ўзининг илмий фаолияти давомида, асосан, тил лингвистикаси муаммолари билан шуғулланди. Унинг бу сохада мухим аҳамият касб этувчи ишларидан бири "тил ва нутк" дихатомиясини илмий асослаб берганлиги бўлди, холос. Эҳтимол, шундай бўлиши табиийдир, зотан, тил лингвистикаси муаммоларини тадқиқ этмасдан бурун нутк лингвистикаси муаммоларига қўл уриш қийин эканлиги изоҳ талаб қилмайди.

Нутк лингвистикаси, бошкача айтганда, дискурс муаммоларини ўрганиш XX асрнинг охирларига келиб том маънода тадқиқотлар кун тартибига қўйила бошлади. Бу эса, ўз навбатида, матн лингвистикасининг илмий асосланишига ҳам залворли омил бўлди.

Матн лингвистикасининг бугунги кунда тилшунослик фанининг алохида бир соҳасини ташкил этаётганлиги синтактик тадқиқотлар кўламини ҳам кенгайтириб юборди. Бунинг натижасида **катта синтаксис, кичик синтаксис** тушунчалари хам истеъмолга кириб келди. Бундай бўлиши шубҳасиздир. Чунки матн шаклланиши муаммоларини анъанавий синтаксиснинг қонун-коидалари замирида ўрганиб бўлмаслиги аник. Анъанавий синтаксис гап синтаксисини ташкил этиб, унда гапнинг бош ва иккинчи даражали бўлаклари ва уларнинг ифодаланиши масалалари ўрганилса, катта синтаксисда, жумладан, матн синтаксисида боғланишли нутк муаммолари ўрганилади. Айни пайтда гап бўлаклари тушунчаси эътибордан соқит қилинади.

Мазкур ишимизда матн шаклланиши ёхуд унинг деривацион хусусиятларини ўрганиш жараёнида ҳам асосий эътиборимиз матнининг боғланишли нутк маҳсули эканлиги масаласига каратилади. Чунки матн шаклланиши гапларнинг, мураккаб синтактик курилмаларнинг бир бирлари билан синтагматик қаторда ўзаро муносабатга киришлари орқали узвий боғланади.

Шуни ҳам айтиш лозимки, матн, асосан, икки турга бўлинади. Уларнинг бирини микроматн деб, иккинчисини эса макроматн деб атаймиз. Мазкур турларнинг хар иккиси ҳам яна муайян турларга ажралади. Микроматн жумласига графема билан, сўз билан, сўз бирикмаси, гап ва мураккаб синтактик курилма билан ифодаланган матнлар кирса, макроматн жумласига абзац, боб ва улардан катта нутк бирликлари киради.

Айни пайтда биз матн макомида келувчи мураккаб синтактик курилма хакида сўз юритаётганимиз боис, асосан, унинг деривацион хусусиятларини ёритишга эътибор каратамиз. Бундай синтактик курилмалар анъанавий тилшуносликда "қўшма гап" термини билан аталади. Бироқ "қўшма гап" тушунчасида ўзаро муносабатга киришаётган гапларнинг ўзларидан юкорида турувчи синтактик қурилма билан иерархик боғланиши назарда тутилмайди.

Аникроғи, бу ўринда гап гапнинг ичига киритилаётганини кўрамиз. Бу эса, ўз навбатида, иерархик муносабат конунининг кўпол равишда бузилишига олиб келади. Шу боис "мураккаб синтактик курилма" терминидан фойдаланмоқдамиз [2,5].

Мураккаб синтактик қурилманинг матн макомида эканлиги изоҳ талаб қилмайди, албатта, чунки мазкур синтактик қурилма камида икки гапнинг ўзаро муносабатга киришувидан деривацион йўналиш олади. Матнни дискурс номи билан атаган Ван Дейк тўғри таъкидлаганидек, матн бир бири билан узвий боғланган гаплардан ташкил топади [3,126]. Бошкача айтганда, матн ёки дискурс шаклланиши гапларнинг деривацион муносабатини тақозо этади. Масала тафсифига когнитив тилшунослик нуқтаи назаридан ёндашилганда мураккаб синтактик қурилманинг таркибий кисмларининг хар бири хусусий моделларни тақозо этишини кўрамиз.

Уларнинг ҳар бири алоҳида фреймлар ифодасига таянади. Мазкур таркибий қисмларнинг ўзаро бирикувидан умумий модел вужудга келади. Буни биз дериват деб атаймиз [3,164-165]. Дериват эса алоҳида фреймлар замирида вужудга келган умумий фреймга асосланади.

Мураккаб синтактик қурилманинг синтактик деривацияси вокеланиши муайян (аксарият ҳолларда реал ифодаланган) операторга асосланади. Бундай оператор вазифасида ҳар бир тилнинг ўзига хос воситаларидан бири қўлланилади. Масалан, барча тилларда кузатиладиган боғловчилар ёки уларнинг ўрнида қўлланиладиган грамматик воситалар оператор вазифасида келиши мумкин. Туркий тилларда эса боғловчи восита мақомида аффикслар ҳам кела олади.

Албатта, деривация оператори операндлар қўршовида қўлланади.Операнд вазифасида эса мураккаб синтактик қурилманинг таркибий қисмларини ташкил этаётган мустақил гаплар келади. Бундай гапларнинг юқорида биз хусусий моделлар деб аталиши ҳақида сўз юритган эдик.

Шуни ҳам айтиш керакки,мазкур хусусий моделлар ҳам, умумий модел ҳам дискрет характерли бўлади ва сўнгги хосила–дериват нисбий тугалланган кўриниш касб этади. Айни пайтда Л.Н.Мурзиннинг қуйидаги мулоҳазасини келтириш ўринлидир: "...деривация синтагматик жараённи тақозо этади. Деривацион жараён матн қай тарзда потенциал чексиз бўлса, шу даражада чексиздир. Бироқ мазкур жараён дескрет характерлидир ва шу боис нисбий тугалланган босқичларни тақозо этади" [4,12].

Дарҳақиқат, матн мақомида келувчи мураккаб синтактик қурилма компонентларини ташкил этувчи гаплар дискрет характерлидир. Буни синтагматик муносабатда боғланувчи сўзларда кузатамиз. Умумий ҳосила структура, яъни дериват ҳам икки ёки ундан ортиқ гапларнинг муносабатидан ташкил топиши боис шундай характер касб этади.

Юқорида эслатиб ўтилган фикр ва мулоҳазалар далили учун қуйидаги мисолларга мурожаат этамиз:

1. At seven o' clock that night the coffee was made and the pan on the back of the stove was hot and ready to cook the meat (O.Henry The gift of the Magi)– Ўша кеча соат 7 да кофе тайёрланган эди ва газ плитанинг орқасидаги қозон қизиган ва гўштни пиширишга тайёр эди.

2. Mrs and Ms James Dillingham Young had two possessions which they valued (O.Henry The gift of the Magi) – Эр – хотин Жеймс Диллинггам Янгларнинг фахру ифтихорлари бўлган иккита бебаҳо бойликлари бор эди.

Келтирилган мураккаб синтактик қурилмаларнинг ҳар иккиси ҳам дискурс мақомида бўлиб, уларнинг биринчисида деривация операндлари учта эканлигини кўрамиз. Мазкур операндлар такрорий қўлланаётган **and** боғловчиси билан ифодаланган оператор воситасида синтактик жиҳатдан боғланмоқда.

Деривация операндларининг дискрет характерини изоҳлашга, бизнингча, ҳожат йўқ. Чунки улар бир бирлари билан муносабатга киришаётган сўзлардан ташкил топмоқда. Макроструктурани тақозо этувчи дериват ҳам дискрет характерлидир, зотан, у кетма-кет келаётган уч операнд муносабатидан шаклланмоқда.

Айни пайтда ҳар бир операнд когнитив нуқтаи назардан хусусий моделни тақозо этади. Чунки улар алоҳида пропозициялар замирида деривацион йўналиш олмоқда. Дериват эса умумий моделни шакллантирмоқда. Шу боис дериват операндлар пропозицияларини умумлаштириб тасаввур этишимиз учун имкон яратмоқда.

Иккинчи мисолда дериват тобе боғланишли операндлар муносабатидан шаклланмоқда. Айни пайтда **which** сўзи муҳим аҳамият касб этади. У оператор вазифасида келиб нафақат операндларнинг ўзаро боғланишини, балки дериват шаклланишини ҳам таъминламоқда. Бу ўринда ҳам операндлар хусусий когнитив моделларни, дериват эса умумий моделни тақозо этади.

Айтиш лозимки, хар икки мураккаб синтактик курилма деривациясининг мутлак хоким унсури оператордир (and, which).

Мураккаб синтактик курилма деривициясининг асосий тамойиллари тилларда карийб бир хилдир. Буни ўзбек тили материалида хам кузатишимиз мумкин.

Камолованинг сўзлари Йўлдошевага заррача таъсир килмади ва у ўз фикрини исботлаш учун далил келтирди (Х.Ғулом. Корадарё).

Гулноз чинни лаганга сузиб келган кизил палов иштаха билан сйилиб бўлгач, Дадавой ака ёшлар хакига тағин бир марта дуо килиб, меҳмонларга жавоб берди (Х.Ғулом. Тошкентликлар).

Келтирилган мисолларнинг биринчисининг синтактик деривацияси икки операндли бўлиб, мазкур операндлар синтактик муносабати тенгликка асосланмокда. Буни оператор вазифасида кўлланаётган **ва** боғловчиси ташкил этмокда. Бу ўринда хам дериват дискрет характерли эканини кўрамиз, зотан, у икки операндга бемалол бўлинади.

Мисолда берилаётган мураккаб синтактик курилма когнитив нуктаи назардан умумий моделни такозо этади. Унинг операндлари эса алохида пропозицияларга таяниб кўлланаётган хусусий моделлардир. Мазкур пропозицияларнинг умумлашмаси, албатта, умумий моделнинг семантик сатҳида тасаввур этилиши мумкин бўлган ягона пропозициянинг шаклланишига олиб келиши табиийдир (сўзлари таъсир килмади – далил келтирди=сўзлари таъсир килмагани далил келтиришига сабаб бўлди).

Иккинчи мисолда берилаётган мураккаб синтактик курилма компонентлари тобе боғланишли бўлгани учун айни пайтда умумий когнитив модел қандайдир мазмуний яхлитликни тақозо этмокда. Дериват бу ўринда уч операндли эканлигини кузатамиз. Шундай бўлгач, умумий модел пропозицияси алохида фаоллик кўрсатаётган учта хусусий пропозициянинг умумлашмаси асосида тасаввур этилади. Мазкур вазифа эса оператор (-гач) зиммасига тушади.

Шундай килиб, матн деривициясининг асосий тамойиллари қиёсланаётган инглиз ва ўзбек тилларида жиддий фарқланмаслигини кўрамиз. Тиллар ўртасидаги асосий тафовут деривация операторларининг лингвистик макомида кўзга ташланади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Соссюр Ф.де.Заметки по общей лингвистике. – М.,1990.
2. Турниёзов Б. Ҳозирги ўзбек тилида тенг компонентли мураккаб синтактик курилмалар деривацияси. –Самарканд, 2008.
3. Дейк ван Т.А. Язык. Познание. Коммуникация. – М., 1989.
4. Мурзин Л.Н. Основы дериватологии. – Пермь, 1984.

Эргашева З. О некоторых особенностях деривации текста. Статья посвящается анализу деривационной сущности текста на материале английского и узбекского языков. Здесь закономерности текста (дискурса) изучаются согласно правилам когнитивной лингвистики.

Ergasheva Z. About some peculiarities of text derivation. The article dedicates to the analysis of derivational essential of the text on the material of English and Russian languages. Text regularities here are learned according to the rules of knowled